


Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2022 йил май ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси Т.Вахобов, Х.Тошматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси О.Холматов, химоячи Ш.Сотволдиев, судланувчи С.А. ва жабрланувчи А.Қ.ларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан С.А.га нисбатан 1-1501-2201/646-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.



Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охири

Ҳужжат имзоланган: Вахобов Тожидин Шарофидинович, 16.05.2022



сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи С.А. хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, таниши А.Қ.ни 2019 йил январь ойининг бошларида автосалондан “Ласетти” русумли автомашина сотиб олиш учун пул йиғиб юрганидан хабар топиб, уни автомашина сотиб олиш учун йиғиб юрган пулларини қўлга киритиш мақсадида, 2019 йил 12 январь куни А.Қ.нинг яшаш хонадони бўлган Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси, 48<sup>Б</sup>-уй, 24-хонадонда кўришиб, суҳбатлашиб, уни ишончига кириб, алдаб, автомашина учун йиғиб юрган 109.200.000 сўм пулларни берса, ушбу пулларни тадбиркорлик фаолиятига сарфлаб, бундан кўрган фойдаси эвазига 2019 йилнинг апрель ойида автосалондан янги “Ласетти” русумли автомашина сотиб олиб беришга ваъда бериб, ушбу пуллар эвазига унга белгиланган муддат ичида “Ласетти” русумли автомашина олиб бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи С.А. судда, айбига тўлиқ иқдор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам у 2009 йилдан 2016 йилга қадар Фарғона туманидаги “Водил шароб-савдо” унитар корхонасида раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаганлигини, А.Қ.ни 2017 йилдан буён танишлигини, 2019 йил январь ойи бошларида савдо шаҳобчасига спиртли ичимликлар олиб келиш учун пул излаб юрган вақтида, А.Қ.ни “Ласетти” русумли автомашина сотиб олиш учун пул йиғиб юрганини билиб, А.Қ.га шу пулларини унга бериб турса у шаҳобчасига товар олиб келиб, тадбиркорлик фаолиятига тикиб, ундан даромад олиб, олган даромадлари эвазига 2019 йилнинг апрель ойида унга автосалондан янги “Ласетти” русумли автомашина олиб чиқиб, уни қайта жиҳозлаб беришини айтганлигини, шунда А.Қ. рози бўлганлигини ва 2019 йил 12 январь куни А.Қ.ни уйига бориб, ундан 109.200.000 сўм пулларини олиб кетганлигини, у ушбу пулларни тадбиркорлик ишларига сарфлаб юборганлигини, лекин А.Қ. билан келишилган вақтда автомашина олиб бермаганлигини, сабаби у пулларни ўзининг бошқа эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, ҳозирда А.Қ.га етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа қайтарилмаслигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи А.Қ. судда, ҳақиқатдан ҳам С.А. билан 2017 йилдан буён таниш эканлигини, 2018 йил декабрь ойида ўзига “Ласетти” русумли автомашина сотиб олмоқчи бўлиб, бир-нечта автосалонларга борганлигини ва пул тўлагандан сўнг автомашина узоғи билан 6 ой муддат ичида чиқишлигини айтишганлигини, шунда у С.А. билан Фарғона шаҳар, Ойбек кўчасида жойлашган “Барлос” кафеси ёнида кўришиб қолганида, унга ҳам автомашина сотиб олмоқчи эканлигини айтганлигини, шунда С.А. автосалонда яхши танишлари борлигини, агарда унга автомашина сотиб олиш учун сақлаб юрган пулларини берса, пулларга Самарқанд вилоятдан коньяк маҳсулотлари олиб келишлигини, чунки яқинда коньякни нархи 30 % га ошишини, коньякларни сотиб олган фойдаси эвазига, унга



2019 йил апрель ойида автосалондан “Ласетти” русумли автомашинани автосалондан олиб чиқиб, унга кўшимча жиҳозларни қўйиб, автомашинани безатиб беришлигини айтиб ишонтиргани сабабли 2019 йил 12 январь куни яшаш хонадонидан С.А.га автомашина сотиб олиш учун тўплаб қўйган 109.200.000 сўм пулларни берганлигини, лекин С.А. келишилган муддатда автомашина олиб бермасдан алдаб келганлиги сабабли ИИБга мурожаат қилганлигини, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, шу сабабли С.А.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи С.А.нинг содир этган жинояти унинг судда айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи А.Қ.нинг суддаги кўрсатувлари, тақдим этилган ашёни олиш ва кўздан кечириш баённомаси (и.в.92-94), тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи С.А.нинг жинойи ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан С.А.нинг хавфли рецедивист бўлгани ҳолда, алдаш ва ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан А.Қ.нинг кўп миқдордаги 109.200.000 сўм пулларини фирибгарлик билан қўлга киритганликда ифодаланган ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, судланувчи С.А.га жазо тури ва меъерини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришларга риоя қилиб, уни айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчини унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга енгиллик беришни сўраганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд, судланувчи С.А.ни жиноят ишлари бўйича Тошлоқ тумани судининг 2021 йил 30 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган ва ўталмай қолган 3 йил 10 ой 27 кун озодликни чеклаш жазосини ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд, иш бўйича ашёвий далил деб топилган 1 дона “ДВД” дискни жиноят иши материалларида қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м    қ и л д и :



Судланувчи С.А. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2021 йил 30 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган ва ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосини қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил сутканинг соат 21:00 дан соат 06:00 гача бўлган вақтда яшаш жойи Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 37<sup>б</sup>-уй, 37-хонадондан чиқишини чеклашдан иборат 4 (тўрт) йил 8 (саккиз) ой озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

С.А. зиммасига:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- муайян жойларга (кафе, бар, ресторан, тунги клубларга) бормаслик каби қўшимча тақиқлар юклансин.

Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

С.А.га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин, гаров учун АТ “Ипотека банки” Фарғона филиалига топширилган 5.800.000 сўм пуллар гаровга қўювчи С.А.га қайтарилсин.

Жабрланувчи А.Қ.га етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ашъвий далил деб топилган 1 дона “ДВД” диск жиноят иши материалларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

ИМЗО

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,  
Жиноят ишлари бўйича  
Фарғона шаҳар судининг раиси

Т.Вахобов

